

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

МАВЛОНО ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

МАВЛОНО ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

*Жалолиддин Румий таваллудининг 800 йиллиги
муносабати билан*

Методик-библиографик қўлланма

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси нашриёти

Тошкент – 2007

Илмий-методика бўлими томонидан тайёрланди

<i>Тузувчи</i>	<i>У.Тешабоева</i>
<i>Мухаррир</i>	<i>Ҳ.Маматраимова</i>
<i>Масъул муҳаррир</i>	<i>О.Қиличбоев</i>
<i>Матн терувчи</i>	<i>З.Жалилова</i>

Мавлоно Жалолиддин Румий: Таваллудининг 800 йиллиги муносабати билан: Метод.-библиогр. қўлл. /Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи У. Тешабоева; Мухаррир Ҳ.Маматраимова; Масъул муҳаррир О.Қиличбоев.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2007.-36 б.

КБК 78.342+83.3 (5)

Ушбу методик-библиографик қўлланмада Мавлоно Жалолиддин Румий ҳаёти ва ижоди, устоз ва шогирдлари, тасаввуфий-ирфоний қарашлари, шунингдек қарийб 600 йил аввал яратилган Румий асарларини англаш, ундан баҳра олиш, минг йиллар давомида тўпланиб келган Шарқ фалсафаси ва ҳикмати, исломий ҳақиқатларни омухта этган, тасаввуф ва фалсафани қўшиб, инсон руҳи диалектикасини очган улуғ мутафаккир ҳақидаги маълумотлар ва уларни тарғиб қилишда ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказларида ўтказиш мумкин бўлган тадбирлар туркуми ҳамда адабиётлар рўйхати берилган.

Қўлланмадан кутубхоначи ходимлар ва кенг китобхонлар оммаси фойдаланишлари мумкин.

© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007 й.

СЎЗ БОШИ

*Ул Фаритдундир маъно дунёсига,
“Маснавий”- бурҳондир асли зотиға.
Мен не дей олижаноб васфида, бас,
Бор китоби, лек пайғамбар эмас.*

Абдурахмон Жомий

Жалолиддин Румий ёки Мавлоно Румий номи билан машҳур бўлган зот дунёнинг донишмандларидан бири, беназир шоир ва бетакрор бир мутафаккир, валий инсондир. Уни гоҳ Кант, гоҳ Спиноза, гоҳ Ҳегел каби файласуфлар билан қиёслайдилар. Аммо Мавлоно Румий ҳеч кимга ўхшамайди, у муаззам Шарқ тафаккурининг мўъжизали бир ҳайкалидирким, унда тасаввуф тараққиёти ҳам, илму ҳикмат ва фалсафа ҳам, шеърият ва маънавият ҳам бирлашиб, олий кўринишда намоён бўлади. Унинг олти дафтардан иборат “Маснавий маънавий” номли асарини “форс тилидаги Қуръон” деб тавсиқ этадилар. Жалолиддин Румий ўзидан кейинги Шарқ шеърияти, фикрий ва маънавий тараққиётига улкан таъсир ўтказган ижодкордир. Алишер Навоий уни илоҳий ишқ куйчиси, буюкликнинг кўз илғамас чўққиси деб шарафлайди.

Жалолиддин Румийнинг ҳаётий фаолиятдан, ижодий ибратидан, “олам ва башариятнинг бирлиги”, борликнинг ранг-баранглигию одамларнинг хилма-хиллиги ҳақидаги асарларидан шуларни туймоқ ва уқмоқ мумкинки, Мавлоно бир умр ўзи билан, нафс ва таъма билан жанг қилган – комилликка эришмоқ, эътиқодда собит турмоқ, холиққа ҳақ йўл билан етишмоқ учун интилди, инсонларни шу эзгу мақсадга чорлади. Дўстликни олий мансаб, эътиқод, Яратганнинг дийдорига ноил бўлмоқ воситаси даражасига кўтарди ва улуғлади. Эллик бир минг мисрадан зиёд асари жамланган “Маснавий маънавий”, қирқ тўрт минг етти юз ғазалдан ташкил топган “Девони кабир”, яна тўрт минг мисрадан ортиқ фалсафий тўртликлари, рубоийлари жаҳонга машҳур. Лекин ҳайратланарлиси шундаки, манбаларда айтишларича, шоир кўлига қалам олиб, бор йўғи 18 қатор

битган, холос, қолганлари шогирд-котиблари томонидан ёзилган. Аммо бадиха усулида айтилган бу ижод маҳсулининг қадр-қиммати ниҳоятда юксакдир. “Жалолиддин лирикаси бу соҳада башарият эришган энг буюк ютуқлардан биридир, - деган эди атоқли шарқшунос олим Е.А.Бертельс.- Агар у Ғарбда кенгроқ маълум бўлганида, унинг номи жаҳон адабиётининг Шекспир, Гёте, Пушкин каби даҳолари сафида туриши шубҳасиз эди”.

ЮНЕСКО томонидан 2007 йил “Халқаро Мавлоно Румий йили” деб эълон қилинди. Шу муносабат билан жаҳоннинг 15 га яқин мамлакатада Мавлоно конференциялари, тасаввуф мусикаси концерт дастурлари, само рақси томошалари бўлиб ўтиши кутилмоқда. Германиянинг Франкфурт шаҳрида эса Мавлоно ҳаёти ва ижоди, унинг асарлари ва сафдошлари, давомчилари ҳақидаги турли китоблардан иборат кўргазма ташкил қилинади. Бундан ташқари, Мавлоно Румий қаламига мансуб бир қатор асарлар хорижий тилларга таржима қилинади, унинг асарлари компакт-дисклардан иборат мажмуага бирлаштирилади.

Қўлланмада Жалолиддин Румий, унинг башариятга ва мангуликка дахлдор фалсафий асарлари, сирлилиги билан ўқувчини лол қолдирадиган, ўзига мафтун ва мусаллам қиладиган сатру-байтлардан иборат манбалар келтирилган.

Қўлланма Мавлоно шеъриятини тарғиб қилиш ва Жалолиддин Румийга бағишланган тадбирларни: китоб тақдими, конференция, савол-жавоб кечалари, давра суҳбати, билимдонлар беллашуви, мавзули ва мунозара кечалари, учрашув кечаси, тематик-бадий кеча, китоб кўргазмаси каби-ларни ўтказишда ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари мутахассисларига ёрдам бериш мақсадида тузилди ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланди.

Жалолиддин Румий ҳаёти ва ижоди

Жалолиддин Румий Муҳаммад ибн Баҳоуддин Муҳаммад ал-Балхий (1207-1273) шоир, мутафаккир, мавлавийлар (Мавлавия) тариқатининг норасмий шайхи. Жалолиддин Румий ҳозирги Афғонистоннинг Балх шаҳрида, султонал уламо лақабини олган улуғ шайх Муҳаммад Баҳоуддин Валад хонадонида дунёга келган. Отаси Баҳоуддин Валад сўфийлар ва фикҳ донишманди бўлган. Шу боис ҳам султон Муҳаммад Хоразмшоҳ (1199-1220) уни саройга таклиф этган. Лекин Баҳоуддин Валад унинг таклифини рад этиб, мактабдорлик ва илмий-ижодий иш билан машғул бўлган. Жалолиддиннинг онаси эса хоразмлик саййидаларидан, яъни шажарада, у Муҳаммад Пайғамбарга боғланар, яна кимсан – хоразмшоҳнинг қизи эди. Хоразмшоҳ билан келишолмаган Валад, оиласи, муридларини олиб, Балхдан чиқиб кетади ва Макка сафаридан сўнг Ироқу Ажам шаҳарларини кезиб, Туркиянинг Куня (Коня) шаҳрида қўним топади. Салжуқ султонлари тарафидан иззат-икром билан қабул қилинган Баҳоуддин Валад шу ерда муқим туриб қолади. Румий отасининг вафотидан сўнг, унинг ўрнига Куня мадрасасининг бош мударриси бўлади.

Жалолиддин Румийнинг тасаввуф оламига кириб келиши Шайх Фаридиддин Атторнинг башорати билан бўлганини унинг илк тафсирчиларидан Ҳусомиддин Чалабийдан тортиб, Давлатшоҳ Самарқандийгача бир овоздан тасдиқлайдилар: Каъба зиёратига йўл олган Баҳоуддин Валад ва унинг ўғли Нишопурга етганидан хабар топиб, Шайх Аттор зиёратчиларнинг қаршисига чиқади. Ўспириннинг суҳбатидан мамнун бўлиб, унга ўзининг “Асрорнома” китобини тақдим этади ва отасига қарата: “Ўғлингиз тез орада оламдаги барча куйганлар қалбига оташ солади”, - деб башорат қилади. Румий тариқат йўлини тутиб, шоир Саид Бурҳониддинга шогирд тушади, сўнг қаландар сўфий Шамсиддин Муҳаммад Табризий билан дўстлашиб, уни ўз пири деб эълон қилади. Табризий уч йил Румийга дарс беради: фалсафа, хусусан, сўфийлик таълимотини ўргатади. Румийнинг ўзи ҳам бир байтида: “Агар Аттор менга руҳ бахш

этган бўлса, Шамси Табризий тилсим калитини тутқазди,-деган. Табризий таъсирида Румий ақлий изланишларидан воз кечади. Бу Румий муридлари, уламолар норозилигига сабаб бўлади ва улар фатвоси билан Табризий ўлдирилади. У бу фожиадан қаттиқ таъсирланиб, пирининг исми шарифини таҳаллус қилиб, ғазаллар ёза бошлайди. Унинг “Шамси Табризий девон” номи билан шуҳрат қозонишининг боиси, у “Шамси Табризий”, “Шамси” таҳаллусларини қўллашидадир. [42 минг байтли “Девони Кабир” (“Улуғ девон”)нинг иккинчи номи “Девони Шамси Табризий”].

Жалолиддин Румийнинг илмий ва адабий мероси ғоят катта. Ғазал, маснавий ва рубоийларни ўз ичига оладиган “Девони кабир” (“Улуғ девон”)да уч мингдан ортиқ шеър бор. Фалсафий-сўфиёна мушоҳадалар, руҳият диалектикасини кашф этиб, инсон ақлини лол қолдирадиган теранлик билан ёзилган “Маснавий-маънавий” ҳам бир неча минг байтдан иборат. Бундан ташқари “Мактубот”, “Фихи мо фихий” (“Ичиндаги ичиндадир”) номли асарлари ҳам мавжуд.

“Ичиндаги ичиндадир” насрий асар бўлиб, унда Жалолиддин Румийнинг илоҳиёт, тасаввуф, ҳаёт ва борлиқ ҳақидаги қайдлари, дўстлари ва суҳбатдошлари даврасида айтган фикрлари, баҳс-мунозараларда пайдо бўлган мулоҳаза-муқоясалари тўпламидан ташкил топган. Бу китобни “Муиниддин Парвона” китоби ҳам дейишади. Сабаби: унда Амир Парвона номи кўп марта тилга олиб ўтилганидир. Чунки Муиниддин Парвона Мавлоно Жалолиддин Румийнинг мухлисларидан бўлиб, Мавлоно билан қилган суҳбатларини ёзиб жамлаган. Бундан ташқари, китобга Румийнинг дўстлари ва шогирдлари Ҳисомиддин Чалабий, Соҳиб Фаҳриддин, Амир Бадриддин Гуҳартош, Отабек султон Алоидин, Тождиддин Мўътаз Хуросоний, ўғли Султон Валад билан бўлган суҳбатларда айтган гаплари ҳам киритилган.

“Ичиндаги-ичиндадир” – содда форс тилида ёзилган асар, улуғ муаллиф “Маснавий маънавий”даги ҳадис ва оятлар, ҳикоят ва тамсилларга ўралган, ўта мураккаб бир фалсафий муҳокамалар асосига қурилган фикрларини бу ерда равшан ва

содда қилиб тушунтириб берган. Асарни ўқир экансиз, улуғ ва ноёб бир тафаккур хазинаси устидан чиққандай бўласиз. Саратонда саҳрода толиқиб, ташна қолган одам шарқираган булоқни кўрганда қандай хурсанд бўлса, мусаффо чашма сувидан ичиб қанчалик роҳатланса, маънавиятга ташна одам ҳам Румий асарини ўқиб шундай туганмас ҳузур топади. Бунда жуда кўп масалалар устида баҳс боради: тажрид ва тавҳид, сурат ва маъно, таваккул ва идтиҳод, ғайб асрори ва ладуний илмлари моҳияти ва яна қанчадан қанча муаммолар ёритилади. Энг муҳими шуки, Румий мураккаб сўфиёна мулоҳазаларни оддий турмуш тафсилотлари билан тушунтириб беради, интиҳосиз қудратга эга инсон ақлининг, руҳиятининг мўъжизаларини ҳайратомуз бир тарзда намоёниш этади. Румий минг йиллар давомида тўпланиб келган Шарқ фалсафаси ва ҳикмати, исломий ҳақиқатларини омухта этолган, тасаввуф ва фалсафани кўшиб, инсон руҳи диалектикасини очган улуғ мутафаккирдир. Унинг қарашларида бирор бир мутаассиблик, кўр-кўрона ақидапарастлик намунасини кўрмаймиз. У тийрак ва ҳушёр кўз билан дунёга назар солади, инсонни қандай бўлса, шундай олиб ўрганади, инсон қалби тўридаги энг нозик, энг инжа, энг яширин сирларни ошкор этади, руҳимиз иқлимларидаги ўзимиз сезмаган қонуниятлар, заруриятларни кўрсатиб беради. Шу боис “Ичиндаги ичиндадир”ни (“Фиҳи мо фиҳий”) ботиний илмлар баённомаси, ўзликни ва илоҳни таниш китоби деб айта оламиз.

“Ичиндаги ичиндадир”да руҳ диалектикаси, инсон майллари, тушунча-тасаввурлари, эҳтиёж ва талаблари, изтироб ва қийноқлари, зиддиятлар ва мувофиқликлар, кураш ва ғалаба, йўқлик ва борлиқ, рўё ва ҳақиқат, жисм ва жон ва ҳоказолар устида билдирилган фикрлар шунчалик чуқур ва шу қадар ёрқинки, бу фикрларни бундан етти юз илгари айтилганига ишонқирамай қоласиз, гўё улар бугун айтилгандай.

Бу асар инсонни фикрлашга, фикрлаш орқали ўзлигини, ўзлиги орқали ҳақни - Яратганни тушунишга ундайди. Шунинг учун ҳам “Ичиндаги ичиндадир”га бир марта ошно бўлган кўзи очиқ инсонки бор умрбод ундан айрилмаса, дейди. Чунки асар, аввало, ўша инсон ҳақида — сиз ҳақингизда, мен ҳақимда,

умуман, ҳаммамиз ҳақимизда. Машойихлар “Ўзини билган авлиё бўлади” дея бежиз айтишмаган. Ҳазратнинг ўзи шундай дейди: “Ривоят қиладиларки, бир подшоҳ ўғлини ҳунармандлар тўпига қўшиб қўйибди. Улар болага турли билимлардан, жумладан, илму нужумдан дарс беришибди. Шоҳ ўғли бутунлай аҳмоқ бўлгани ҳолда ўзига ўргатилган нарсаларни пухта эгаллаб олибди. Кунлардан бир кун подшоҳ уни имтиҳон қилмоқ учун ҳовучига узугини беркитиб, ўғлига “Бунда не бор?” дебди. Бола: “Қўлиндаги думалоқ, сариқ ва ичи бўш нарсадир”, - дегач, ҳукмдор ҳайратда қолиб “Аломатларини тўғри айтдинг, исмини айт” дею буюрибди. Ўғил “Ғалвир бўлса керак” деб жавоб беради. Подшоҳ “Олган таҳсилнинг шарофати билан мени ҳайрон этиб аломат белгиларни аниқ айтинг-у, аммо ғалвирнинг ҳовучга сиғмаслигига қандай қилиб фаросатинг етмади?”-деди афсус чекиб.

Худди шундай, - деб давом этади Румий ҳазратлари,- замонамиз олимлари ҳам қилни қирқ ёрадилар, ўзларига боғлиқ бўлмаган нарсаларни жуда яхши биладилар, аммо ўта муҳим, ўзлари учун қолган барча нарсалардан янада яқин бўлганни, яъни ўзларини билмайдилар. Ҳамма нарсадан яқин бўлган борлиқ бу – уларнинг менлиги”. Мавлоно Румий инсонни, аввало, кўзини очишга ва очилган кўзлар билан ўз моҳиятига назар ташлашга ундайдики, бу билан ул валий зот инсоннинг ўзи бир бутун олам кичик олам эканлигини уқтиради.

Жалолиддин Румийнинг машҳур асари “Маснавий маънавий”дир. Асарда Қуръони карим ва Ҳадиси шариф маъноларини ўзига сингдирган, инсон ҳаёти билан боғлиқ барча масалалар бадиий йўсинда баён этилган 6 жилд (дафтар)дан иборат асарнинг дастлабки қисмларини адибнинг шогирди Ҳисомиддин Чалабий устози оғзидан ёзиб олиб, таҳлилдан ўтказган. Чалабий вафотидан сўнг муаллиф асарнинг давомини 10 йилда ёзиб тугатади. Қуръони карим оятларининг 70 фоизи моҳиятини ўзида мужассамлаштирган, 270 дан зиёд ҳикояларни, юзлаб панду ҳикматларни ўз ичига олган бу китоб ўз вақтида ва кейинчалик ҳам ёзувчи номининг дунёга кенг тарқалишига сабаб бўлган. Чунки Румий маснавийда ўзигача бўлган Шарқу

Ғарб донишмандларининг фалсафий қарашларини, исломий фарзларини содда бир услубда, шеърӣ йўл билан бадиӣ ифодалаган.

Румӣй буюк мутафаккир инсон сифатида дунё зиддиятлари, зиддиятларнинг ўзаро вобасталиги (“қарама-қаршилиқлар бирлиги”), дунёда миллиард шаклу шамойилда мавжуд бўлган ашёларнинг ўзаро алоқаси, бир-бирига бўлган ўтиш – эврилишлари, модда алмашинишининг заррадан коинот қадар амал қилиши, ҳаёт ва ўлим сабаблари (ҳаёт-зиддиятлар “келишуви”, “ярашиш”, ўлим-зиддиятлар “жанги”), жисм ва рух, одам ва илоҳ ҳақида ёзади, таҳлил ва тадқиқ этади. “Маснавий”да 690 ҳадисга румиёна шарҳ берилган. Кўз олдимизда ҳам Калом илмининг улуғ билимдони ҳам тасаввуф таълимотини сарбаланд чўққига олиб чиққан ориф инсон ҳам муқтадир даҳо шоир гавдаланади. Оддий латифалар, ҳикоятлардан Румӣй ғавқулудда фалсафий-сўфиёна маънолар чиқаради, теран тафаккури доирадан доирага, даражадан даражага кўтарилиб боради. “Қуръоннинг уч қабат ботиний маъноси бор”, деб қайд этади ва у ана шу маъноларни изчил тушунтиради.

Бутун “Маснавий” бошдан охиригача икки муҳим ғоянинг талқинига бағишланган деса бўлади. Бу ғояларнинг бири – тақлидчилик, зоҳирбинликнинг жаҳолатдан эканлигини исботлаш бўлса, иккинчиси – илоҳий маънолар, ҳақ ҳақиқатига эришган чин сўфийларни улуғлашдир.

Асарнинг бошидан бошлаб, найга мурожаат қилган шоир, найнинг ботиний олами, ноласи, асроридан кўплар беҳабар эканлигини таъкидлайди. Ва мана шу беҳабарликнинг ўнлаб кўринишларини, салбий оқибатларини тамсил, ҳикоялар шарҳи билан очиб беради. Най – руҳи Илоҳдан ажралган ва ўша аслига қараб шиддат билан интилаётган ошиқ орифдир.

Маснавий

Бишнав аз най чун ҳикоят мекунад,

Аз жудойихо шикоят мекунад.

Таржима

Тинглагил, най не ҳикоят айлағай,

Айрилиқлардан шикоят айлағай.

Лисоний таржима
Тингла, най, қандай ҳикоятларни сўзлайди:
У фироқдан, гурбатдан шикоят қилаётир.
Шарҳ

“Най” истилоҳидан муддао, яъни зоти шариф Мавлоно Жалолиддин Румий кўзлаган мақсад ориф ва аҳиллик мартабасига ноил бўлган инсони комилдир.

Байтнинг қуйи – иккинчи: “Айрилиқлардан шикоят айлағай” мисрасининг мазмуни қуйидагича: ориф ёхуд инсон руҳоний дунёдан (яъни асл ватанидан, унинг мангу ва барқарор руҳи ҳали бу фоний оламга инмаган чоғдаги маконидан) жудо бўлгандан сўнг, азиятлар ва ёзуғлар тўла заминга тушгандан аччиқ шикоят қилади. Бу шикоят – норозилик, маҳзунлиқнинг бирдан-бир сабаби асл оламидан айрилмишдир. “Най” – комил инсон бу мақомда ўз дарди ёхуд ўткинчи дунё дарди учун фиғону фарёд чекаётгани йўқ. Буюк “Маснавий”нинг илк байти бўлган ушбу сатрларда Мавлоно ҳазратлари арабча “самъ”га тааллуқли бўлган “тингла” амри воситасида най садосига диққатини қаратмоқда. Бунинг боиси инсоннинг эшитиш аъзоси унинг бошқа аъзоларига нисбатан баланд мақомда эканига ишоратдир.

Мазкур байтда орифнинг, комил инсоннинг найга нисбатан ташбиҳ бўлинишида жуда кўп муносабатлар мавжуд. Улардан баъзиларини келтирамиз: биринчидан, най одатда қамишдан ясалади. Қамиш кесилмасидан бурун доимо наъшу намода ҳаёт кечиради. Кесилгандан сўнг қурийди. Комил инсоннинг руҳи ҳам арвоҳ оламида (руҳлар дунёсида) бениҳоят маънавий лаззатлар ичида яшайди. Ғардор ва қуп-қуруқ бўлган дунёга келгач, айни зилол сувдек руҳлар оламидан жудо бўлади, гўё сувсизликдан қурий бошлайди. Иккинчидан, найдан ошиқона, лаззатбахш садолар таралади: ориф инсондан ҳам ошиқона ва орифона сўзлар зухур этади. Учунчидан, най ноласи тингловчи ишқини зиёда айлайди. Орифнинг ҳам калимат, ҳикмат ва оёти тингловчи ошиқни ошириб, қалбини алам ва изтиробдан озод этади. Тўртинчидан, найнинг овози ва садосидан кўп ҳолларда

ажиб бир ҳикоя, бир буюк ишқ можароси ҳис қилинади. Ориф сўзидан ҳам аксар чоғларда ҳақиқий ошиқларнинг олий аҳволлари ва олами лохутнинг асрори улувияси (руҳоният оламининг илоҳий сирлари) тингланади. Бешинчидан, найнинг санъати зоҳирӣ жисмида эмас, балки унинг ичидадир. Орифнинг камолоти ҳам ботиндир. Олтинчидан, найнинг қомати тўғридир. Орифнинг ҳам ҳолати тўғри ва хулқи каримдир. Еттинчидан, най қамишликдан кесилгач, ўз олаmidан жудо бўлди, яъни ғарибдир. Арвоҳ олаmidан айрилган ориф ҳам дунёда ғарибдир. Саккизинчидан, найнинг ичи ҳар нарсадан ҳоли, бўм-бўш, ёлғиз найчининг ишқига тўлгандир. Ориф ҳам ҳар нечук ғиллу ғашликдан бегона, қалби эса Раббоний ишқ билан безангандир. Тўққизинчидан, най кесилгандан сўнг, ўз-ўзига ошиқона садо чиқара олмайди, уста бир найчининг дамига (нафасига) эҳтиёжи бор. Ориф ҳам улуғвор бир силсилага ворис бўлган сабабидан бир файзбахш зотга дамсоздир.

Худо Ишқда ёниб-куйиб дилдан ҳикоятлар ва шикоятлар қилгани баён этилган шоҳ байтида: Мавлоно Румийнинг пурмеҳр ва пурлутф қалбидаги улкан, оташин Ишқ тараннум этилганлигига амин бўламиз. “Ишқ – бу денгиз, осмон эса ўшал денгизнинг кўпикларидир... Ишқ бўлмаганда дунё абадий музликларга айланиб кетар эди”, деб ҳисоблайди мавлоно Румий “Ишқ билан дарманд одам энг соғлом кишидур. Ишқи йўқ одам Худо наздида ночиз бир ахлатдур... Ишқ ўлимдан қутқарувчидур, яъни Ишқ қазодан (ўлимдан) кучлидур. Ишқ – ҳаётӣ эликсир (кимё), у инсонга абадият бахтини ато қилади”.

Пок ва оташин Ишқ йўли билан Инсон ўзини танийди, беҳад юксакликка кўтарилади, такомил топади ва илоҳият даргоҳига яқинлашади.

Мавлоно Жалолиддин Румий фикрича, гўзал, ҳаёли ва доно қизни ёки аёлни беҳад севиш, унга уйланиш эркакни руҳлантиради, камолотга эриштиради. Мавлоно Румийнинг ажойиб зебопарвар ва инсонпарвар ақидасига кўра, аёл зеболиги Тангри – таоло нафосатидандир. Демак, қиз ва аёлга бўлган чин инсоний, покиза ишқ масаласида ҳам ўзининг тариқати, таълимоти ва дунёқарашидаги илғор фалсафӣ – тасаввуфӣ, инсон-

парварлик ақидасидан келиб чиққан, мутасаввиф донишманднинг ўз иборасини кўллаб айтадиган бўлсак, “Худонинг нури бўлмиш қиз ва аёлларни беҳад эъзозланг ва кўкларга кўтариб тараннум этинг”.

Румий ўз асарларида одамни тадқиқ этади, унинг табиати ва интилишларини кузатади, ботиний жилолар ва сурилишлар, қалб силжишларини қидириб топади. Инсоннинг иймон гавҳари, буюклиги баробарида, нуқсонлар – нафси, ҳирси оқибатида келиб чиқаётган ёвузликларни таҳлил этиб, булардан қутулиш, покланиш йўллари, фазилатини баён этади. Румийнинг ҳар бир фикри – бир машъала, бир чироқ, шундоққина қалбга қўйиладиган зиёдир. Улуғ мутафаккир инсон камолоти учун муқтадир бир курашчи бўлиб майдонга чиқади, инсон боласини унинг ўзига таништиради, ёмонликдан нафратланиш ва яхшиликдан, илоҳийликдан фахрланишга ўргатади.

Жалолиддин Румийнинг буюклиги яна шундаки, у исломнинг улуғ шоири ва мутафаккири бўлгани ҳолда барча мазҳаблар ва динлардан юқори кўтарила олди, бани башарни бирлаштирувчи ягона илоҳий ғояларни олға суриб, кишиларни бири-бирига яқинлаштирувчи эътиқод ва иймон, ишқ ва сиғиниш, поклик ва тавбадан сўз очди. “Чўллар мухталиф, аммо мақсад бир, яъни Оллоҳ ҳузури”, дея Улуғ Тангри ҳақиқати Оллоҳ жами махлуҳот баробарлигини исботлади.

Румий ижоди юксак бадиъи билангина эмас, балки мантиқ кучи, фалсафий фикрларга бойлиги билан ҳам катта таъсир кучига эга. Унинг табиати ва жамият ҳодисаларининг доимий ўсиши, ўзгаришда экани, эскини йўқотиб, янгининг пайдо бўлиши – “дунёнинг зиддиятлар бирлигидан жанги”дан иборатлиги тўғрисидаги қарашлари, немис файласуфи Ҳегелнинг эътирофича, унинг диалектик методни яртишга ёрдам берган. Фалсафани Ҳегел ва Марксдан, Шопенгауэр ва Кантдан, Нийliche ва Фрейддан ўрганган кишилар Румийни ўқиб, ҳаммаси ўзимизда аллақачон бор экан, ҳаммаси айтилган экану дейишлари табиий.

Одамнинг буюклик даражасини унинг қанчалар асл хонадонида таваллуд топганига қараб аниқлаб бўлмайди. Аммо

инсонни охирги манзилга кузатиш даражасига кўра, унинг кимлигини тасаввур этиш мумкин. Радий Фишнинг “Жалолиддин Румий” романидаги аллома вафоти билан боғлиқ лавҳада шундай сўзлар битилган: “Турклар ва хуросонийлар, юнонлар ва арманлар, православлар ва яҳудийлар – ҳамма шоир билан видолашишга келган, ҳар ким ўз русумида алvido айтарди”.

Орада фақиҳлардан бири “амир ул-умаро” Муниддин Парвонага: “Ўз шайхини дафн этаётган мўминлар ичра насроний ва яҳудийлар не қилур?”, -деб уларни ҳайдашни сўради. Бироқ бу бефойда эди. “Қуёш Ер юзини ёритганидек, Мавлоно ҳақиқат нури ила бутун башариятни мунаввар этмиш. Қуёш – ҳамманинг мулки!”-деди насронийлар руҳонийси. “Мавлоно – нон кабидирлар. Нон ҳаммага зарур. Амирим, очларнинг нондан юз ўгириб кетганини қайда кўргансиз?”-деди яҳудийлар раввини.

Мавлоно Румий - ана шундай умумбашарий зот.

Румий асарлари кўпчилик форсигўй ва туркийгўй шоирлар ижодига катта таъсир кўрсатган, маснавийхонлик халқимиз ўртасида кенг тарқалган. Ўзбекистон ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институтида Румийнинг “Маснавий маънавий” асари сақланади. Истиклол йилларида Румий ҳаёти ва ижодига қизиқиш янада кучайди. Ш.Шомухамедов, А.Маҳкам ва бошқалар шоирнинг турли жанрдаги шеърларидан намуналарни ўзбек тилига таржима қилдилар. Шоир Жамол Камол “Маснавий маънавий” таржимасини ниҳоясига етказди.

Туркиянинг Куня шаҳрида 2006 йил декабрь ойида Мавлоно Жалолиддин Румий ҳазратлари вафотининг 733 йиллигига бағишланган хотира маросимлари ўтказилди.

Маросимда Мавлавия тариқати вакиллариининг само рақслари, тасаввуф мавзусидаги фотокўргазмалар, олимларнинг Румий ҳаёти ва ижоди ҳақидаги сермазмун маърузалари, қолаверса, тасаввуф мусиқаси 3-Халқаро фестивали ва бошқа муҳим тадбирлар ўтказилди. Бу маросимлар Куня шаҳрида дунёнинг турли давлатларидан келган меҳмонлар, адабиётшунослар, олимлар иштирокида Туркия Маданият ва туризм

вазирлиги, Куня вилояти ва шаҳар ҳокимияти томонидан ҳар йили декабрь ойининг биринчи ярмида анъанавий тарзда ўтказиб келинади. Айниқса, Тасаввуф мусиқаси 3-Халқаро фестивали меҳмонларда, Куняликларда катта таассурот қолдирди. Фестивалда Ўзбекистондан таниқли ҳофиз Шерали Жўраев, Озарбайжондан Олим Қосимов, Доғистондан Аҳмад Аҳмедов ҳамда Эрондан Шаҳром Назирий каби машҳур санъаткорлар иштирок этишди. 17 кун давом этган маросимларда Мавлавия тариқати вакиллари ижросида 23 само рақслари намоиш этилди. Мусиқа жўрлигида ижро этиладиган само рақсларини тахминан 70 минг киши бевосита томоша қилиш имконига эга бўлди.

Маълумки, 2007 йил ҳазрат Жалолиддин Румийнинг таваллудига 800 йил тўлиши муносабати билан ЮНЕСКО томонидан “Халқаро Мавлоно Румий йили” деб эълон қилинган. Бу ўз навбатида бутун ислом олами, тасаввуф адабиёти, қолаверса, Жалолиддин Румий ихлосмандлари учун қувончли ҳодиса бўлди.

Ҳазрат Румийнинг 800 йиллик юбилейи кенг нишонланиши кўзда тутилмоқда. Масалан, 2007 йилнинг 8-9 май кунлари Истанбулда халқаро Мавлоно Жалолиддин Румий симпозиуми ўтказилди. Унда дунёнинг турли давлатларидан 300 га яқин тасаввуф адабиётшунослари, маданият ва санъат аҳли иштирок этди.

ЮНЕСКОнинг маркази жойлашган Париж шаҳрида “Мавлоно Жалолиддин Румий” анжумани ўтказилади. Туркия, Афғонистон ва Эрон Мавлононинг 800 йиллигини нишонлаш дастурини ишлаб чиқишда ҳамкорлик қиладиган бўлди. Бу 3 ўлканинг ЮНЕСКОдаги доимий ваколатхоналари томонидан тайёрланажак махсус дастур 2007 йилнинг сентябрь ойида тақдим этилиши назарда тутилган.

Тафаккур водийсидаги учрашув

*Жалолиддин Румий ва Лев Толстой
фалсафасидаги руҳий муштараклик*

Бири Шарқда, бири Россияда улғайган ва инсоний комиллик даражасига етган икки буюк шахснинг ҳаёт ва ўлим ҳақидаги мулоҳазаларини ўзаро солиштириб, улардаги уйғунлик ва муштаракликдан ҳайратга тушасан киши...

Тафаккур водийси. Қайдадир шаркираётган сувнинг товуши ва кушлар нағмаси эшитилади. Чор-атрофда ястаниб ётган кенгликларда паришон солланиб турган ҳар бир дарахтда тўрт фасл манзараси мужассам. Улуғ тоғ этагида, булоқ бошида Румий билан Толстой ўзаро суҳбатлашиб ўтирибдилар. Уларнинг тепасида камалак жилва қилади. Ўртада камалакнусха дастурхон

Толстой

Мен ўша йилларни даҳшатсиз, ижирғанмасдан, юрак зил кетмасдан эслай олмайман. Ҳа, урушда одам ўлдирганман, кимнидир ўлдирмоқ ниятида дуэлга чақирганман, тасарруфимдаги мужикларни қартага бой берганман, бировларнинг меҳнати эвазига яшаганман, фаҳш ишлар билан шуғулланганман, алданганман. Ёлғончилик, ўғрилик, зинокорлик, ичкиликбозлик, зўравонлик, қотиллик... Хуллас, мен қилмаган жиноят қолмаган.

Румий

Умид - ишонч йўлининг боши. Йўлда юрмасанг ҳам, доимо йўлнинг бошини кўзла. “Нотўғри ишлар қилдим” дема, тўғрилиқ йўлини тут. Ўшанда ҳеч қандай эгрилик қолмайди. Тўғрилиқ Мусонинг ҳассаси кабидир, эгрилик эса сеҳргарларнинг сеҳрига ўхшайди. Тўғрилиқ ўртага чиқиши билан уларнинг ҳаммасини ютади. Агар бир бора ёмонлик қилган бўлсанг, ўзингга ўзинг қилгандирсан. Сенинг ёмонлигинг бегонага қандай таъсир қилади.

Қара, анави чўққига қўниб учган қуш тоғнинг салмоғини орттирадим ёки емириб юборадими? Ўзинг собит бўлсанг, ҳеч нарса таъсир қилмайди. Эҳтиёт бўл, умид ўзингда.

Толстой

“Санъат, поэзия...” Одамларнинг мактови таъсирида мен узоқ вақт бу ишни бажарса бўлади, деб ўз-ўзимни ишонтириб келдим. Ҳа, қай бир сонияда ўлим келиб, ҳамма нарсани – мени ҳам, ишимни ҳам, улар ҳақидаги хотирани ҳам маҳв этди. Аммо, шунга қарамай, барибир кўзланган ишни бажариш керак. Кўп ўтмай англадимки, бу ҳам ёлғон экан. Ҳаёт мен учун жозибани йўқотиб борарди.

Румий

Инсонда шу қадар улкан ишқ, ҳирс, орзу-ҳавас ва дард бордирки, агар юз мингларча олам ўзиники бўлса ҳам, унинг қўнгли тинчимайди. У ўзи машғул бўлган ишда, санъатда, илми нужумда, ҳақимликда... Бироқ буларнинг ҳеч биридан ҳузур-ҳаловат тополмайди. Чунки, у истаган нарсасини қўлга киритолмаган. Завқ ва орзулар зинапоёга ўхшайди. Зиналар ўтириб дам олишга мослашмаган, аксинча. Уларнинг устидан босиб ўтилади, холос. Умрини шу зиналарда беҳуда ўтказмаслик учун ғофилликдан тез уйғонган ва тақдир моҳиятини англаб етган зот нақадар бахтли!

Толстой

Мен яшаб нима қиламан? Бирон нарсани исташимдан нима маъно? Бирор иш қилолмоғимнинг нима кераги бор? Ўлим ҳақ. Мен, албатта, бу дунёдан ўтаман. Менинг яшашимда шундай маъно бормиканки, ўлимим уни маҳв этолмаса?... Ахир, мен ҳеч қандай баҳонаю сабабсиз, маънисиз дунёга келган бўлишим мумкин эмас-ку? Ахир, мен тўсатдан инидан тушиб кетган полапон эмасман-ку? Ана шу саволлар қийнайди мени.

Румий

Сен ўз қадр-қимматинг ва тушунчанг билан икки оламга бадалсан. Аммо нима қилайинки, ўз баҳонангни билмаётирсан.

Ўзингни арзонга сотма, чунки мартабанг улуғдир. Агар ўзингни жаҳаннам эвазига сотсанг, ўзингга зулм қилган бўласан.

Толстой

Хаётим тўхтаб қолди. Мен нафас олишим, овқат ейишим, сув ичишим, ухлашим мумкин эди, бироқ нафас олмасам ҳам, овқат емасам ҳам, сув ичмасам ҳам, ухلامасам ҳам бўлаверарди. Лекин, барибир, ҳаёт тўхтаб қолган, шекилли.

Агар бирор сеҳргар менга, ҳамма истакларимни бажо келтираман, деса, мен унга нима дейишимни билмаган бўлардим.

Румий

Сенинг учун овқат емоқ ва ухламоқдан бошқа яна бир озиқ бордир. Вужудинг – сенинг отингдир. Дунё – от охури. Отнинг еми унинг эгасига емиш бўлолмайди. Унинг ўз емиши, неъматлари бор. Кўклар ва Ер ўз зиммасига ололмаган ишни инсон елкасига олди.

Толстой

Балки, мен бирон нарсадан беҳабардирман? Ҳали мен билиб улгурмаган сир-синоат бордир? Ахир, билимсиз одам ҳам шундай қилади-ку? Билимсиз одам ҳамма вақт шундай дейди-ку? Агар у бирон нарсани билмаса, билмаган нарсасини беъмани, аҳмоқона нарса деб атайди.

Румий

Бола кўп нарсадан беҳабар ва эмин-эркин бўлгани учун улғаяди, ўсади. Савол берган зот икки жиҳатни яхшилаб тушунмоғи керак. Биринчиси – сўраган нарсасидан янглишгани, билгандан бошқа яна нимадир бор экани билан боғлиқ бўлган масала. Иккинчиси – билишга муносиб сўз ва ҳикмат мавжудлиги, бироқ уни билиб бўлмаслик ҳақидаги масала.

Толстой

Сукрот ўлимга тайёргарлик кўраётганида “Биз ҳаётдан қай даражада узоқлашиб борсак шу даражада ҳақиқатга яқинлашиб борамиз?” деган экан. Ҳақиқатни севгувчи – биз ҳаётда нимага интиламиз? Танзимиздан мосуво бўлишга ва тан ҳаётидан келиб чиқувчи жами ёвузликдан халос бўлишга интиламиз. Шундай экан, ажал эшигимизни қоқиб келганда биз нечук хурсанд бўлмайлик?

Румий

Мажнун Лайли юртига бормоқ истаганида, ҳуши жойида бўлган пайтлар туяни у томонга ҳайдар, аммо ҳаёли Лайлига кетганда, ўзи ва туяни унутар эди. Шунда туя қишлоғидаги бўталоғини эслаб, орқага қайриларди. Қишлоққа келиши билан Мажнун ҳам ўзига келар ва билардики, икки кунлик йўли беҳуда кетибди. Шу тарзда уч ой давомида йўлда сарсон бўлади. Ниҳоят, “Бу туя бошимнинг балоси” деб ундан иниб, пиёда йўлга тушади. Туямнинг орзуси – орқада, меники эса – олдинда. Биз ўз йўлларимиз туфайли айрилдик.

Толстой

...Менинг билимлар ўрмонида довдираб юришим нафақат тушкунлик ботқоғидан халос эта олди, аксинча, уни янада чуқурлаштирди. Бир соҳадаги билимлар ҳаёт саволларига жавоб бермади, бошқа соҳадаги билимлар жавоб берди-ю, бу билан менинг тушкунлигимни тасдиқлади. Илми ақлия ўз асосларига қатъий амал қилиб, саволимга бевосита жавоб берар экан, ҳамма жойда фақатгина битта жавобни айтиб келган ва ҳозир ҳам шуни айтади. Яъни, “Дунё – чексиз ва англаб бўлмайдиган хилқат. Инсон ҳаёти – ана шу англаб бўлмайдиган хилқатнинг англаб бўлмас бир бўлаги”.

Румий

Бинобарин, замонамиз олимлари ҳам қилни қирқ ёради. Ўзларига боғлиқ бўлмаган нарсаларни жуда яхши билади. Лекин, ўта муҳим, ўзига яқин бўлган нарсани билмайди. Ҳамма

нарсадан яқин бўлган борлиқ – уларнинг ўзлиги. Улар бирор иш тўғрисида, бу – тўғри, бу – хато, бу – ҳалол, бу – ҳаром деб ҳукм чиқаради-ю, ўз моҳиятининг ҳалол ё ҳаром эканини англамайди.

Толстой

Шундай қилиб, авваллари оқилона билимлар менга ягона нарса бўлиб туюларди, энди эса муқаррар тарзда шуни эътироф этишга мажбур бўлдимки, ҳозир ҳаёт кечираётган жамики инсониятда яна бошқа аллақандай билим бор. Бу ғайришуурий билим – иймон. Шу иймон яшашга имкон беради.

Румий

Инсон – буюк бир мўъжиза ва унинг ичида ҳамма нарса ёзилган. Бироқ, зулмат ва пардалар борки, улар ёзувларни ўқишга имкон бермайди. Бу дунёда юз мингларча нур кўрсалар ҳам, асл нурнинг ўзига қиймат бермайдилар. Агар кўзда бир нур бўлмаса, у бутун оламни тўлдириб турган нурни кўрмайди. Одамдан Мустафо замониғача намоз ва рўза ҳозирги шаклда эмасди. Аммо амал мавжуд эди. Демак, бу сурат (шакл) амали бўладими? Амал – инсондаги маънодир. Амал – ичкаридаги маъно. Иймон – қалбадир.

Толстой

Мен саводсизлиги ва илмсизлиги учун мужикларга неча марталаб ҳавас қилганман. Бир вақтлар иймоннинг менга ўта маъносиз бўлиб туюлган қоидалари уларга сира ҳам ёлғон бўлиб туюлмас эди.

Румий

Малак билимли, ҳайвон эса билимсизлиги билан қутулади. Бани одам эса шу иккаласи ўртасида аросатда қолади.

Толстой

Ҳақиқат – одамларнинг севги орқали бирлашувида намоён бўлади.

Румий

Бир инсонни бошқа бир инсонга тортган нарса сўз эмас, балки иккаловида ҳам бўлган рухий бирликдан бир парчадир. Агар бир жисм таркибида оҳанрабо билан муштарак бир парча бўлмаса, у жисм ҳеч қачон оҳанрабо томон тортилмайди. Севги бор жойда ситам ҳам бўлади. Бегоналарга эмас, дўстларга ситам қилинади. Аммо, ситамда ҳам ситам бор. Ситам ундан мутаассир бўлганга, ўзи учун яхшилик ва севги эканини билганга қилинади.

Оғзаки журнал

Элимиз севган адиб, ёзувчи, аллома, шоир, қомусий олимлар ижодини кенг китобхонлар ўртасида тарғиб этишда “Оғзаки журнал”лар алоҳида аҳамиятга эга.

Оғзаки журнал битта ёки бир нечта мавзуга бағишланган бўлиши мумкин. Журнал саҳифалари муаллиф сўзлари билан оғзаки тўлдирилади. Журнал муаллифи кутубхона ходимлари, фаол китобхонлар ва бошқалар бўлиши мумкин.

Оғзаки журналнинг ҳар бир саҳифаси танланган мавзунинг бирор бир масаласига доир бўлади. Саҳифаларнинг умумий сони 4-6 бет бўлиши мумкин. Журнални муҳаррир қисқача кириш сўзи билан очади ва бошқарувчи олиб боради.

“Илоҳиёт бағрида ҳаёт нафаси” номли оғзаки журналнинг намунавий режаси

Машҳур шоир ва ориф Жалолоддин Румий ҳаёти ва ижодини, тасаввуф оламига кириб келиши ва тасаввуфий асарлари, Румий ҳикматларини кенг китобхонлар ўртасида тарғиб этишда “оғзаки журнал”лар алоҳида ўрин тутади.

Оғзаки журнални ўтказиш тўғрисидаги эълонлар осиб қўйилади ва маҳаллий матбуот орқали хабар берилиши керак. Оғзаки журнал ўтказиш учун хонани жиҳозлаш, керакли мутахассисларни таклиф этиш, журнал саҳифалари учун китобхонлардан ёки мутахассислардан танлаб олиш, тартибини режа-

лаштириш, журнал муҳарририни тайинлаш, муסיқали ёзувларни бир жойга тўплаш, таклифномалар буюртириш ва шу каби ташкилий ишларни амалга ошириш зарур.

Оғзаки журнални муҳаррир кириш сўзи билан очади.

1-саҳифа: “Жалолиддин Румийнинг ёшлиги”.

2-саҳифа: “Жалолиддин Румийнинг тасаввуф оламига кириб келиши”.

3-саҳифа: “Маънавий маснавий” асарининг яратилиши”.

4-саҳифа: “Ичиндаги ичиндадур”.

1-саҳифа

“Жалолиддин Румийнинг ёшлиги”

Бу саҳифада Жалолиддин Румийнинг туғилган даври, оиласи, болалик йилларининг қандай кечганлиги ҳақидаги маълумотлар берилади.

2-саҳифа

“Жалолиддин Румийнинг тасаввуф оламига кириб келиши”

Ушбу саҳифада Мавлоно Румийнинг тасаввуф оламига кириб келиши, Шайх Фаридиддин Атторнинг башорати, Румийнинг тасаввуф адабиётидаги ўрнини белгилашда унинг тариқати ва фаолияти, Ҳаким Санойи ва Фаридиддин Атторнинг давомчиси сифатидаги қарашлари ҳақидаги маълумотлар ёритилади.

3-саҳифа

“Маънавий маснавий” асарининг яратилиши”

Ушбу саҳифада 18 байтигина Мавлоно томонидан ёзилган, қолганлари шогирдлари томонидан ёзиб олинган “Маънавий маснавий” асари, бу буюк тафсир китобини ўн йиллар муддат оралиғида яратилгани ва Мавлоно Румий вафотидан тўрт йил аввал ёзиб тамомлангани, умуман “Маънавий маснавий”нинг ёзилиш тарихига доир маълумотлар ҳақида сўз боради.

4-саҳифа

“Ичиндаги ичиндадур”

Бу саҳифада Мавлоно Жалолиддин Румийнинг турли мажлисларда инсон ва олам, онг ва борлиқ, инкор ва исбот, ҳаёл ва амал сингари фалсафий тушунчаларнинг асл моҳиятини билдирган ўтлуғ фикрлардан таркиб топган “Ичиндаги ичиндадур” асари ҳақида сўз боради.

“Мавлонолар мавлоноси” мавзусида ўтказиладиган тематик-бадий кеча сценарийси

Ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказларида ёки бирор бир ташкилотнинг тантаналар зали ушбу тадбирга мос безатилади. Кеча мавзусини ёритадиган адабиётлар кўргазмаси ташкил қилинади.

Кеча бошловчилари саҳнага куй остида чиқиб келадилар.

1-бошловчи:

*Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил,
Кўз бўлурми Ҳақни кўрмас бўлса ул?*

2-бошловчи:

*Биз агар наймиз, наво Ҳақдин келур,
Биз агар тоғмиз, садо Ҳақдин келур.*

Ассалому алайкум даврамизга ташриф буюрган азиз меҳмонлар! Бугунги кечамизга хуш келибсизлар!

1-бошловчи: Азиз меҳмонлар! Бу йил, яъни 2007 йил Мавлоно Жалолиддин Румий таваллудига 800 йил тўлади. Бугун сизларнинг эътиборингизга “Мавлонолар мавлоноси” деб номланган, Мавлоно Жалолиддин Румийга бағишланган тематик бадий кечани ҳавола этамиз.

2-бошловчи: Ҳеч бир халқ ҳаётини миллий шеърятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу эл вакиллари орасида ёд олиниб, мақол янглиғ машҳур бўлиб кетган байт ё мисралар бўлади. Лекин асли бошқа лисондаги бирор сатр ё қўшмисра ўзга тилда шуҳрат тутиб кетиши учун у, биринчидан, жуда кучли бадий-ғоявий қувватга эга бўлиши керак.

1-бошловчи: М.Ю.Лермонтовнинг “Оқариб кўринар бир елкан”, Сергей Есениннинг “Шаҳинам, о, менинг Шаҳинам!”, Константин Симоновнинг “Мени кутгил ва мен қайтарман” каби мисралари бунга далил бўла олади. Ўтган асрнинг 80-йилларида яна бир мисра жуда шуҳрат қозонди, шеър аҳли орасида ёд олинди ҳам. Биз бугунги кечамизни Жалолиддин Румийнинг:

Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил! деган сатри билан очдик.

2-бошловчи: Бу сатрни рус адиби Радий Фиш “Ажойиб кишилар ҳаёти” рукни остида чоп этилган “Жалолиддин Румий” тарихий-биографик романининг “Қўрғон” деган бобига эпиграф тарзида келтирган эди.

1-бошловчи: Жамол Камол таржимасидаги бу асар ўша йиллари қўлма-қўл ўқилди, шу тариқа бояги мисра кенг ёйилди. Бугун адолат билан эсласак, мазкур таржима нашри миллий онг-тафаккуримиздаги катта бурилишларга туртки берган асарлар сирасига киради. Чунки, очиғини айтганда, роман оддий китобхонлар у ёқда турсин, ҳатто мумтоз адабиётимиз тарихи мутахассисларининг ҳам тасаввуф ҳақидаги қарашлари кескин ўзгаришига сабаб бўлган эди.

(Саҳнага талаба-ёшлар чиқиб, Жалолиддин Румийнинг “Маснавий маънавий” ҳикматларидан намуналар айтиб берадилар).

2-бошловчи: Хўш, бу зот асли ким? Балхлик Баҳовиддин Валаднинг ўғли Балх – ҳозирги Афғонистоннинг Мозори шариф яқинидаги қадим шаҳар. Келинг, яхшиси сўз навбатини бу ҳақида тўлиқроқ маълумотни айтиб берадиган румийшунос олимга берсакда, улардан шу хусусда сўзлаб беришни илтимос қилсак. Марҳамат.

(Румийшунос олимнинг чиқиши)

1-бошловчи: Раҳмат домла. Кечамизга ташриф буюрганингиздан миннатдормиз.

(Саҳнага элимиз севган ҳофизчиқиб, ўзбек мумтоз мушқаси жўрлигида Жалолиддин Румийнинг “Тарк айлама” шеъри билан айтилган қўшиқ янграйди. Миллий либослардаги раққосалар иштирокида рақс ижро этилади).

2-бошловчи: Айтингчи, нима учун Жалолиддин Румийга нисбатан “Мавлоно” сўзи қўлланилиб келинади?

1-бошловчи: “Мавлоно” сўзи - аслан арабча. Унинг ўзагида “соҳиб”, “хўжайин”, “ҳукмдор”, “йўлбошчи” (“савра”) маъноларидаги “маvlo” калимаси мавжуд. Шунинг учун бу сўзни ҳар кимга нисбатан ишлатавериш мумкин бўлмаган. Буни ҳис этиш учун машҳур бир ривоятни эслаш ўринли кўринади.

Саҳна кўриниши.

2-бошловчи: Кимсан – Имом Абу Мансур Мотуридийнинг Самарқанддаги ҳовлиси. Дарвозани Боғдоддай мукаддас ердан улуғ шайх ва алломанинг шуҳратини эшитиб келган, башанг кийиниб олган, олифтанамо бир йигит тақиллатади. Ичкаридан ниҳоятда камтар, одмигина кийимдаги аллома чиқади. Саломалиқдан сўнг йигит билан ул зоти шариф ўртасида қуйидагича савол-жавоб бўлиб ўтади:

Йигит: - Мавлоно қаердалар?

Абу Мансур Мотуридий: - Мавлоно – Тангри-ку!

Йигит: - Хожа қанилар!

Мотуридий: - Хожа Муҳаммад Мустафо-ку!

Йигит: - Абу Мансур қанилар?

Мотуридий: - Абу Мансур фақирингиз каминаман.

1-бошловчи: Бу ривоят замирида, “маvloно” сўзининг қадри баландлигини англатишдан ташқари ҳам, жуда нозик ва теран маънолар яширин. Тарихимизда не-не зотлар ўтган бўлса ҳам, унча-мунча кишини ”Мавлоно” дейишмаган. Бу сўз йирик олиму уламоларга ҳурмат рамзи янглиғ “устод” маъносида ишлатилган. Масалан, “Мавлоно Лутфий”, “Мавлоно Муқимий” ва ҳоказо.

2-бошловчи: Жалолиддин Румийни замондошлари “Мавлоно” деб ҳурматладилар. Бора-бора бу сўз унинг тахаллуси каби машҳур бўлиб кетди. XII асрдан бошлаб адабиёт оламида “Мавлоно” ёки унинг бошқача шаклий кўриниши бўлиши “Мавлавий” сўзи учраса, билингки Жалолиддин Румий кўзда тутилган бўлади.

1-бошловчи: Азиз кечамиз қатнашчилари. Келинг сўз навбатини Ўзбекистон халқ шоири, Румий асарларининг моҳир

таржимонига берсак-да, улардан Жалолиддин Румийга нисбатан ишлатилган “Мавлоно” сўзи ва унинг муаллифи шунча асрдан буён мўъжаз ижодий сир-синоати билан дунёдаги фалсафа, тасаввуф, адабиёт, санъат, илм, умуман, маънавият аҳлини оҳанрабодек ўзига тортиб келаётгани ҳақида сўзлаб беришни илтимос қиламиз. Марҳамат.

(Румий асарлари таржимонининг чиқиши)

(Саҳнага талаба-қизлар чиқиб, Жалолиддин Румийнинг “Билмассан” шеъри билан айтилган қўшиқни куйлайдилар).

2-бошловчи: Кечамизда Румий асарларини севиб ўқийдиган, Румий ижодини яхши биладиган китобхонлар ҳам бор. Энди навбатни уларга берамиз. Улар бизга Румий ҳикматларидан намуналар айтиб берадилар.

1-китобхон:

*Ҳоли тут кўнгилни ёр инкоридин,
Сўнгра райҳон уз унинг гулзоридин.*

*Сабр қил нафсингга этгил қаришилик,
Ул ёмондин ким кўрибдур яхишилик?*

2-китобхон:

*Ким ёмондур, беомонлик айлағай,
Яхишилик этсанг, ёмонлик айлағай.*

*Шукр қил, неъматдин ортиқ бил ани,
Ношукур бўлсанг, сенга неъмат қани?*

1-китобхон:

*Жоҳил узган ип уланмас, бойлама,
Сўйлама, ҳикматни зое айлама.*

*Ақл юз очса жаҳон кўзгусида,
Тийра бўлғай кун унинг ўтрусида.*

2-китобхон:

*Сўрдилар: устоз, тасаввуф не эмиш?
Деди: гам босганда феълни кенг қилиш...*

*Тор кўрур оламни идрокинг сенинг,
Покни кўрмас ҳисси нопокинг сенинг.*

1-бошловчи: Хурматли кечамиз меҳмонлари. Бугунги “Мавлонолар мавлоноси” номли Жалолиддин Румийга бағишланган тематик бадий кечамиз ниҳоясига етди.

2-бошловчи: Кечани Мавлоно Румий ҳикматлари билан якунламоқчимиз.

*Шарқ Ҳақни топди, дунёдан кечиб,
Ғарб дунё топди, Аллоҳдан кечиб.*

“Жалолиддин Румийни англаш иштиёқи” номли адабиётлар кўргазмасини ташкил этиш учун материаллар

Ушбу таклиф эилаётган адабиётлар кўргазмаси китобхоналарга ва кутубхоналарда, ахборот-кутубхона ҳамда ахборот-ресурс марказларида Мавлоно Румий ижоди ҳақида ўтказиладиган тадбирлар учун тавсия этилади.

Кўргазма қуйидаги бўлимлардан иборат бўлиши мумкин.

1. “Жалолиддин Румийнинг ҳаёт йўли”

Бу бўлимда Мавлоно Румийнинг таржимаи ҳоли, устоз ва шогирдлари, қайси мамлакатларда яшаб ижод қилганлари ҳақидаги нашрлар қўйилади.

Бўлимни ибора ва иқтибослар билан тўлдириш мумкин.

2. “Жалолиддин Румийнинг адабий мероси”

Биз бу дунёга одамларни бир-бирларидан фарқлаш, ажратиш учун эмас, аксинча уларни бир-бирларига яқинлаштириш учун келганмиз.

Ж.Румий.

Бу бўлимга Румийнинг шеърлари, байтлари, тасаввуфий-ирфоний асарлари, уларнинг яратилиши ва айна вақтдаги

аҳамияти ҳақидаги адабиётшунос, таржимонлар, румийшунослар қилган ишлари тўғрисидаги адабиётлар қўйилиши лозим.

3. “Маснавий шаъриф манавияти”

Бу бўлимга Румийнинг энг йирик асари “Маънавий маснавий” асари ҳақида ва унга бағишланган адабиётлар қўйилиши мумкин.

“Орифлар султони” мавзусида китобхонлар иштирокида давра суҳбати ўтказиш сценарийси

Ушбу тадбирни ўтказиш учун тайёргарлик ишлари 1-1,5 ой илгари бошланади.

Аввало кутубхонада эълон ва таклифнома ёзилади. Қуйида уларнинг намунавий шаклларини келтирамиз.

Эълон!

Хурматли китобхон!

2007 йил _____ кун соат _____ да кутубхонамизда Мавлоно Жалолиддин Румий таваллуд кунига бағишлаб ўтказиладиган “Орифлар султони” деб номланган давра суҳбатига таклиф этамиз.

Таклифнома

Хурматли _____,

Сизни 2007 йил _____ кун соат _____ да кутубхонамизда ўтказиладиган “Орифлар султони” деб номланган давра суҳбатига таклиф этамиз.

Таклиф этилган меҳмонларга таклифномалар юборилади. Давра суҳбати учун жой танланади ва безатилади. Мавзуга оид адабиётлар кўргазмаси ташкил қилинади. Адабиётлар кўргазмасидаги асарлар юзасидан обзор ўтказиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Олиб борувчи: Ассалому алайкум, хурматли китобхонлар ва даврамиз меҳмонлари! Бу йил тараққийпарвар инсон, сўфийлик

тариқатининг буюк намояндаси, барча даврларнинг улугъ шоири Жалолиддин Муҳаммад Румий таваллудининг 800 йиллиги кенг нишонланади. Шу санага бағишланган бугунги давра суҳбатимиз меҳмонлари билан сизларни таништираман. Фалсафа фанлари доктори, профессор_____, Румий асарларининг моҳир таржимонлари_____. Мавзу бўйича фикр-мулоҳазаларингиз, саволларингиз бўлса, билдиришларингиз мумкин.

Жалолиддин Румий ҳақида гап кетганда, аввало унинг падари бузруквори Баҳоуддин Валад ҳақида айтиб ўтишимиз ўринли деб ўйлайман. Бу ҳақида йирик олимимиз дан сўзлаб беришни илтимос қиламиз. Марҳамат!

Баҳоуддин Валад ўз даврининг мусулмон илоҳиётидаги зўр донишмандлардан ҳисобланган. У машҳур валий Нажмиддин Кубродан ижозат қоғози олиб, ҳақ сўз бўйича мустақил фикр-мулоҳаза юритиш ҳуқуқига эга бўлган. Унга тушида пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳи алайҳи вассаллам унинг Султон-ул-Уламо (уламолар Султони) бўлгани ҳақида хабар берган. Унинг “Ал-Маъориф” асари Жалолиддин дунёкараши шаклланишида муҳим рол ўйнаган. Баҳоуддин Валад оиласи билан ҳаж амалларини адо этиб қайтгач, Туркиянинг Куня шаҳрида кўним топади ва Жалолиддинга шаҳарни кўрсата туриб: “Қара, ўғлим, бу шаҳарда яшаш сенга, набираларимга, набираларимнинг набирасига насиб қилсин. Ўз қалъангни хайрли, эзгу, савоб ишлардан қургин. Оламда ушбу қалъадан мустаҳкамроғи бўлмайди”,-деб насиҳат қилади. Баҳоуддин Валад 73 ёшида вафот этади.

Таржимон Отаси вафот этганда Жалолиддин 24 ёшида эди. Ёш бўлишига қарамасдан у катта олим бўлиб етишган эди. Балхдалигидаёқ Қуръони каримни, қатор ҳадислар, уларнинг тафсирларини ёд биларди. Шохлар тарихи, улугъ риёзатчилар, зоҳирлар ва сўфийлик пешволарининг ҳаёт йўллари билан таниш эди. Дамашқ ва ҳалаб мадрасаларида йирик олим ва шайхларнинг астрология, алхимия, алгебра, геометрия ва тиббиёт соҳасидаги сабоқларини тинглаган ва шу ёшда замонасининг энг доно одамлари эга бўлиши мумкин бўлган

илмларнинг барчасини эгаллаган эди. Лекин билим бошқа, тажриба бошқа! Кунялик кўп руҳонийлар Жалолиддинга ҳасади келиб, унда шайх муаллим ижозати йўқлигини писанда қиладилар. Жалолиддин отаси вафотининг 40-куни, жомеъ мачитида хутбани ўқиб бўлгач, йўлга отланди. Ҳалаб ва Дамашқ шаҳарларида ўзининг билим савиясини яна бир бор синовдан ўтказиб, олимлар, уламо ва шайхлар муҳри босилган ижозат қоғози билан Куняга қайтиб келади. Шунда ҳам бахил уламо ва шайхлар яна Жалолиддиннинг йўлига тўғаноқ бўладилар.

Етакчи олим..... Фикрингизни давом эттириб, айтаманки, шу кезларда Баҳоуддин Валаднинг ўғли Жалолиддинга таянч лозим бўлиб қолганини сезган шайх Саид Бурҳониддин Термиздан Куняга етиб келади. 12 йилдан кейин учрашган Саид Бурҳониддин Жалолиддиннинг билимига юқори баҳо беради ва “Дин илмида ва бизнинг билимда сен ўз отангдан ҳам илгарилаб кетибсан. Лекин отанг бундан ташқари яна махфийни ҳам фаҳмлаш илмини эгаллаган эди. Мен ушбу илмга сенинг отанг, менинг шайхим сабаби сазовор бўлдим. Энди мен сени ушбу йўлдан олиб ўтмоқчиман. Сен махфийни билиш илмида ҳам отангга тенг бўлиб унинг меросхўри бўлгин”, дея Жалолиддинни тиз чўктирган ҳолда ўзига муридликка қабул қилади. Жалолиддинга дарвешлар кийиб юрадиган хирқа ва кулоҳ кийдиради, белига итоатгўйлик белбоғини боғлайди, жингалак соқоли ва сочини қиради, қошларини қуйдиради. Шундан сўнг Саид Бурҳониддин энг аввало Жалолиддиндаги кибру-ҳавони ўлдириш учун уни ҳар куни кишилар хизматида чиқиб уларнинг хожатхоналарини, тўқиндихоналарини тозалаш каби ишларни бажаришга буюради. Ушбу ишларни бажариб қайтган Жалолиддин тонг отгунча ибодатда бўлади, отасининг “Маориф” китобини ўқийди. Саид Бурҳониддиннинг талаби билан ушбу китобни 101 мартаба ўқиб чиқиш шарт қилиб қўйилади. Бироз вақт ўтгач, Саид Бурҳониддин Жалолиддиндан шаҳарда юриб, одамларнинг уйига бориб садақа сўрашни ҳам талаб қилади. “Билиб қўй, қалбни тозалаш ахлатхоналарни тозалашдан кўра мураккаброқдир”,-деб ўғит беради. Шу каби оғир синовлар билан муридлар учун одатда талаб қилинадиган

1001 кун ниҳоясига етади. Синовларни талаб даражасида бажарган Жалолиддинни устози бағрига босади ва унга орифлар либосини кийдириб фотиҳа беради.

Китобхон..... Мен биламанки, Жалолиддин Румийнинг дунёқарашида жиддий ўзгаришлар ярата олган Шамсиддин Табризий билан Румийнинг учрашувидан сўнг, Жалолиддиннинг маънос ҳаёти барҳам топади. Унинг ўрнига мусика, рақс, шеърият кириб келади. Шамсиддин Табризий Жалолиддинни шоир Румийга айлантиради. Шу ҳақида батафсилроқ билимга эга бўлмоқчиман.

Биринчи таржимон: Балли, Румий ижоди билан яқиндан таниш бўлганингиздан хурсандман. Чунки суҳбатимиз бошланганидан бери китобхонларга назаримда бу маълумотлар зерикарли туюлгандек бўлди. Энди билдирган фикрингизга қайтсак. Ҳақиқатан ҳам Ғарбда бу учрашувни Сукрот ва Афлотун, Шиллер ва Гёте учрашувидек аҳамият касб этади, деб таърифлашади. 1244 йилнинг 26 ноябр куни музокарали бир йиғинга кетаётган Жалолиддин минган ҳачир тизгинини нотаниш кимса маҳкам ушлаб тўхтатади ва савол назари ила боққан Жалолиддинга “Эй, у ва бу дунё ҳақидаги фикр, маъноларни янгиловчи! Айт-чи, ким юқорироқ – Муҳаммадали ёки Боязид Бистомий?” дея қалтис савол беради. Боязид Бистомий IX асрда яшаган зоҳид, сўфий пешволардан бўлган. Савол Жалолиддинга бўлиб, ҳамма унинг жавобини кутиб турарди. Жалолиддин: “Бу қандай савол? Албатта, Муҳаммад баланд!”, деб жавоб беради. Шунда номаълум кимса “Нима учун унда Муҳаммад: “Менинг юрагимни занг босади ва мен ҳар куни етмиш мароталаб Раббимга тавба қиламан!”-дейди-ю, Боязид эса: “Мен ўзимни барча номукамал сифатларимдан тозаладим ва баданимда Худодан бўлак ҳеч нарса йўқ. Мен шарафланмаганман, мен шарафланмаганман, о қанчалар менинг мартабам буюк деган”-деб ўзининг иккинчи асосий саволини беради. Жалолиддин нотаниш кимсанинг саволи фақат қалтис эмас, шу билан бирга ўта дадил ва мураккаб ҳам эканини сезади ва: “Муҳаммад ҳар куни етмиш манзилни ўтар эди ва ҳар сафар янги босқичга етгач, ўзининг олдинги босқичдаги номукамал билимидан

ўқиниб тавба қиларди. Боязид эса ўзи етган бирдан бир манзилнинг улуғлиги билангина ўзидан кетиб қолди ва гумроҳликка берилиш боис ушбу сўзларни айтди...”, деб жавоб беради. Нотаниш одам ушбу жавобни эшитган заҳоти ҳушидан кетиб ерга йиқилади. Бу одам Саид Бурҳониддин каромат қилган Шамсиддин Табризий эди. У Жалолиддинга берган саволга ўхшаш саволларига устози вафот этганлиги сабабли жавоб топа олмагач, Румий билан учрашиш учун йўл олган эди. Дўстлар суҳбати уч ой давом этади ва шундан сўнг оламга бутунлай янги бир Жалолиддин кириб келгандек бўлади.

Китобхон..... Мумкинми, бир нарсани аниқлаб олсам. Румий ўз таҳаллусига Рум салтанатининг номини асос қилиб олган, деган фикр бор. Шу тўғрими?

Иккинчи таржимон..... Дарҳақиқат қирқ ёшларда тасаввуфга оид таъминотни тарғиб қила бошлаган Румий ўз таҳаллусига Рум салтанатининг номини асос қилиб олган, деган қараш кўп урф бўлган. Бироқ Румий сўзининг сон эквивалентлари йиғиндиси 256 га тенг келишини эътиборга олсак, бу “нур” сўзининг маъноси илдизига мос келиши маълум бўлади. Араб, эрон ва ўзбек тилларда ушбу илдиз “ёруғлик” сўзининг маъносини беради.

Олиб борувчи: Ҳаммангизга раҳмат. Жалолиддин Румий ҳақида соатлаб суҳбатлашишимиз мумкин. Лекин вақтимиз чегараланганлиги учун, бугунги давра суҳбатимизни ниҳоялашга тўғри келади. Хайр. Саломат бўлинг.

Жалолиддин Румий ривоятлари

Румий нуқтаи назарга кўра исломнинг бошланғич давларида дин намояндалари ҳақиқатни яхши билишар эди. Лекин кейинчалик уларнинг издошлари ўз ҳатти-ҳаракатларини шундай ташкил қилишдики, натижада бир нечта одамни ҳисобга олмаса, барча дил ёруғлигидан бенасиб бўлиб қолишди. Шунинг учун Румий ҳақиқатга етишиш масаласида янги йўл қидирди ва унинг ўзига хос йўлини топди. Унинг маснавийларида ибратли

ҳикоя ва ривоятлар жуда сероб. Қуйида шундай ривоятлардан бир қанчасини келтирамиз.

Моҳиятни тушунмасдан сўздаги фаркга қараб ўзаро ихтилоф қилишни Румий мана бу ривоят билан тушунтирган: Тўрт миллатдан тўрт киши – турк, форс, араб ва юнонлик йўлда бирга кетаётганларида уларга биров бир дирҳам пул беради. Тўртовлон бир-бирининг тилини тушунмаслиги сабабли пулга нима сотиб олиш кераклиги устида жанжаллашиб қоладилар: форс “ангур” (узум) оламиз деса, араб “мен ангур емайман инаб (узум) истайман” дейди, турк “узум” оламиз деб туриб олса, юнонлик “йўқ истофил (узум) емоқчиман” деб мушт ўқталади. Натижада улар бир-бирини тушунмай, таллашиб кетадилар. Шу пайт “юз тилни биладиган сирлар соҳиби” бир одам йўлиқиб, уларнинг низосига қулоқ солиб, пулни қўлларида олиб, бозорда узум сотиб олиб берганида, тўртталаси ҳам бир нарсани хоҳлашганини кўриб ҳайрон қолишади, истаклари амалгашиб, ярашиб кетадилар.

* * *

Жалолиддин Румийнинг таъбири билан айтганда: “Инсоннинг ичи хуррият оламидир”. Шу ўринда “Маънавий маснавий”-да келтирилган бир ривоятни келтирамиз. Мусо пайғамбар бир яйловдан ўтаётганида бир чўпонга дуч келади. Чўпон Худога нола қилиб дер эди: “Эй Художон, Сен қаердасан, кел, сочларингни тарайин, чориғларингни тикайин, наки ўз жоним, балки қўйларим, фарзандларим ҳам сенга фидо бўлсин. Қаердасан, бориб дастёринг бўлсам, сут-қаймоғим билан қорнингни тўйдирайин, бошинг оғриси, бошингни силайин, юз-қўлингдан ўпайин, оёқларингни укалайин...”.

Мусо буни эшитиб чўпонни қойийди: “Эй ахмоқ, кофир бўлдинг, Худонинг чориғи ҳам, тўни ҳам йўқ, у емайди, ичмайди. Уни ўзингга ўхшатма. У гўё қуёш, сен бир чивин... Чўпон Мусонинг бу гапидан қаттиқ хафа бўлади ва жимиб қолади.

Шунда Парвардигори оламдан Мусога ваҳий келади: “Эй, Мусо, нима қилдинг, бандамизни биздан айирдинг, қўй айтсин, сен бандаларинг дилини парвардигорга улаш учун юборилгансан, ажратиб ташлаш учун эмас. Биз ҳар одамга, ҳар бир элга ўз

даражасида, ўз тилида муҳаббат изҳор этишга имкон бердик. Ҳиндларни ҳинд тилида, синдларни синд тилида истилоҳида сўзлатдик”.

Бу ривоятда Румий ташқи белгилар, сўзлар шаклига эътибор қилмаслик, балки сўзнинг маъносига, самимийлигига эътибор бериш кераклигини таъкидлади.

* * *

Бир подшоҳ ўғлини ҳунаромандлар тўпига қўшиб қўйибди. Улар болага турли билимлардан, жумладан, илми нужумдан ҳам дарс беришибди. Шоҳ ўғли аҳмоқ бўлгани ҳолда ўзига ўргатилган нарсаларни пухта эгаллаб олибди. Кунларнинг бирида подшоҳ уни имтиҳон қилмоқ учун ҳовучига узугини беркитиб, ўғлидан “Бунда не бор?” деб сўрабди. Бола: “Қўлиндаги думалоқ, сарик, ичи бўш бир нарса”, - деб жавоб бергач, хайратга тушган ҳукмдор “Аломатларини тўғри айтдинг, энди номини айт” дебди. Ўғил “Ғалвир бўлса керак” деб жавоб беради. Подшоҳ “Мени хайрон этиб, олган таҳсилнинг шарофати билан аломатларини аниқ айтинг-у, аммо ғалвирнинг ҳовучга сиғмаслигига ақлинг етмадими!?” дебди. Румийнинг ушбу ривоятдан шуни англаш керакки, инсонга берилган иш, сўз ва ҳоказоларнинг барчаси аломатдир. Уларнинг жавҳар билан алоқаси йўқ. Улар йўқ бўлгандан кейин қолган нарса жавҳардир. Биз назарда тутган олимлар аломати шундай. Улар белгиларни тўғри топиб сўйлайди-ю, аммо ғалвирни ҳовучга сиғади, деб туриб олади. Чунки, асосий нарсадан уларнинг хабари йўқ.

* * *

Мавлоно Румийдан сўрабдилар “Намоздан афзалроқ нима бор?” Румий “Намознинг жони, руҳи ўқилган намоздан яхшироқдир. Иймон намоздан устундир Чунки, намоз кунда беш маҳал, иймон эса ҳамма вақт фарздир. Намоз узрли сабаб билан қолдирилиб, фурсат бўлиши билан қазоси адо этилиши мумкин. Иймон учун ҳеч қандай узрли сабаб билан бузилиб, кейинроқ бажариш рухсати йўқ. Намозсиз иймоннинг фойдаси бўлади, бироқ иймонсиз намознинг фойдаси йўқ. Худди мунофиқларнинг намози каби. Ибодат ҳар динда турлича, иймон эса ўзгармайди.

Адабиётлар

Болтабоев Х. “Маснавийи шариф” маънавияти: [Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад бинни Баҳоуддин Валад Румий (1207-1273)нинг “Маънавий маснавий” китоби ҳақида] //Жаҳон адабиёти.-2001.-№12.-Б.162-166.

Маҳкам Асқар. Мавлоно учун мени кечиринг... [Маҳжурий: бир кўнгил суҳбати] //Гулистон.-1998.-№5.-Б.62.

Маҳмудов Т. Илоҳиёт бағрида ҳаёт нафаси: [Шоир Жалолиддин Румийнинг ижодий фаолияти] //Гулистон.-2000.-№5.-Б.18-23.

Муҳиддин Абдурасул. Кунёда Румий руҳи шод бўлди: [2007 йил – Халқаро Мавлоно Румий йили] //Хуррият.-2006.-20 дек.

Ориф Усмон. Мавлавия: Тасаввуф тариқатлари: [Ўрта Осиёлик тасаввуфи олими, шоир Мавлоно Жалолиддин Румий – Балхий (1207-1273)нинг “Маснавийи маънавий” асари ҳақида] //Мулоқот.-1998.-№5.-Б.46-48.

Румий Жалолиддин. Илоҳий ишқ суратлари /Миразиз Аъзам тарж. //Саодат.-1995.-№6.-Б.20-21.

Румий Жалолиддин. Ичиндаги ичиндадур: Мерос ва қадриятларимиз //Шарқ юлдузи.-1995.-№3.-4.-Б.182-199.

Румий Жалолиддин. Ичиндаги ичиндадур: Фалсафий-маърифий нашр /Улуғбек Ҳамдам тарж.-Т.: Янги аср авлоди, 2001.-199 б.

Румий Жалолиддин. Маънавий маснавий: Куллиёт Ж.1. К.1. / (Таржима шарҳи билан; Таржимон Асқар Маҳкам; Масъул муҳаррир Т.Маҳмудов.-Т.: Шарқ, 1999.-368 б.

Румий Жалолиддин. Маснавий маънавий /Форсидан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж; ЎзР Махнират ном. Ўрта Осиё халқлари тарихи ин-ти.-Т.: Техрон, Фан, 2003.-

К.3-Т.: Техрон, 2003.-432 б.

Румий Жалолиддин. Маснавий //Гулистон.-1998.-№2.-Б.49-55; №4.-Б.49-55; №6.-Б.52-57.

Румий Жалолиддин. Маснавий: (Мерос) (Давоми. Боши ўтган сонларда] //Гулистон.-1999.-№5.-Б.56-61; №6.-Б.56-61.

Румий Жалолиддин. Маснавий маънавий: [Замонларни дуо қилгувчи воиз ҳикояти, Кундузи бозор ўртасида чирок тутиб айланган роҳиб ҳикояти: Ривоят] /Форсчадан Абдулатиф Муҳаммад тарж. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2004.-30 июль.

Румий Жалолиддин. Сен бор бўлсанг...: Ғазаллар /Олим Бўри тарж., Рубоийлар... /Эргаш Очил тарж. //Жаҳон адабиёти.-1997.-№5.-Б.173-180.

Румий Жалолиддин. Уни бир гул ҳолига келтир: [Шеър] //Соғлом авлод учун.-2003.-№1.-Б.44-45.

Румий Жалолиддин. Ҳикматлар /Жамол Камол тарж. //Мулоқот.-2001.-№4.-Б.38; №3.-Б.15.

Султонмурод Олим. Мавлонолар мавлоноси: [Жалолиддин Румий ҳаёти ва фаолияти ҳақида] //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2004.-4 июнь.

Тоиров М. Орифлар султони /Жалолиддин Румий таваллудининг 800 йиллиги олдида //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2007.-16 март.

Тўхлиева Н. Ҳикмат ва маърифат бўлган: Мутолаа //Қишлоқ ҳаёти.-2000.-27 окт.

Фикрат Ҳ. Румий ва Хароботий //Ўзбек тили ва адабиёти.-2003.-№5.-Б.46-47.

Эшқобил Шукур. Тафаккур водийсидаги учрашув: [Жалолиддин Румий ва Лев Толстой фалсафасидаги руҳий муштараклик] //Тафаккур.-2003.-№3.-Б.98-107.

Мундарижа

Сўз боши	3
Жалолиддин Румий ҳаёти ва ижоди	5
Тафаккур водийсидаги учрашув	15
Оғзаки журналнинг намунавий режаси	20
Тематик-бадий кеча сценарийси	22
Адабиётлар кўргазмасини ташкил этиш учун материаллар	26
Давра суҳбати ўтказиш сценарийси	27
Жалолиддин Румий ривоятлари	31
Адабиётлар	34

Босишга рухсат этилди 2007 йил 5 июль
Бичими 60x84 ¹/₁₆ нашр. т. 2, 25 Адади 300 нусха.
Буюртма №

Тошкент, Ҳ.Сулаймонова кўчаси, 33. Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонасида чоп этилди